

ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЦЕНТРА ПО  
СЕРТИФИКАЦИИ И ИСПЫТАНИЮ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ  
ТЕХНИКИ И ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ КАБИНЕТЕ МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

г. Ташкент,

9 января 2019 г.,

№ 10

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНинг  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
СЕРТИФИКАТЛАШ ВА СИНАШ ДАВЛАТ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сон карори ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини тезкор синовдан ўтказиш ҳамда синовдан ижобий ўтган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини қишлоқ хўжалигида қўллашга тавсия қилинган техникалар реестрини юритиш мақсадида Вазирлар Маҳқамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат марказида қўлланиладиган (кейинги ўринда Марказ деб юритилади) қишлоқ хўжалик техникаларини тезкор синовини ўтказиш учун зарур бўлган замонавий синов курилмалари ва ўлчов воситаларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ қишлоқ хўжалик техникаларини тезкор синовини ўтказиш учун зарур бўлган замонавий синов курилмалари ва ўлчов воситаларини харид қилиш учун талаб этиладиган маблағларнинг:

1,0 млрд. сўмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг захира жамгармаси маблағлари ҳисобидан;

2,0 млрд. сўмини «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятининг 2018 йил якуни бўйича давлат улушига ҳисобланадиган дивиденdlар ҳисобидан молиялаштирилиши ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамияти белгиланган маблағларни 2019 йил 1 майга қадар Марказга ажратилишини таъминласин.

3. Марказ ушбу қарорнинг [1-иловасига](#) мувофиқ замонавий синов қурилмалари ва ўлчов воситаларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда харид қилинишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2013 йил 1 августдаги 214-сон [карорига](#) (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 49-модда) [2-иловага](#) мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Н.С. Отажонов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 январь,  
10-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 10-сон [карорига](#)  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат марказида қўлланиладиган қишлоқ хўжалик техникаларини тезкор синовини ўтказиш учун зарур бўлган замонавий синов қурилмалари ва ўлчов воситаларининг**

### **РЎЙХАТИ**

1. Металл ва қуймаларни таҳлил қилиш учун мобил спектрометр
2. Металларни қаттиқлигини аниқловчи асбоб
3. Двигательдан чиққан газларнинг заарли миқдорини аниқловчи асбоб
4. Фильтрларни (ёқилғи ва мой) синаш учун стенд
5. Тракторларни қишлоқ хўжалик машиналари билан агрегатланишида энергетик баҳолаш учун ўлчов аппаратураси (ўлчагич, симсиз моментўлчагичлар, тензоваллар комплекти билан): компьютерлаштирилган тарировка стендлари билан биргаликда
6. Тракторларнинг қувват олиш валидан қувват кўрсаткичларини аниқлаш стенди, ўлчов воситалари комплекти билан биргаликда
7. Пуркагич ва чанглатгичларнинг сепиш сифатини аниқловчи қурилма
8. Дисплейли автоном ёқилғи сарфини ўлчагич
9. Электрон тахеометр
10. Пахтани лаборатор қуритиш қурилмаси
11. Пенетрометр
12. Пахта ва дон экиш сеялкаларини синаш учун стенд
13. Пуркагичларни синаш учун стенд

14. Ўғит сочгичларни синаш учун стенд
15. Тракторларни гидроосма тизимини 90 кН гача юк кўттарувчанлигини аниқлаш учун стенд
16. Тортиш синовларини ўтказиш учун махсус динамотерик юкловчи машина
17. Тиркамаларнинг пневматик тормоз тизимларини синаш учун имитатор
18. Трактор кабиналарининг хавфсизлик каркаси ёки ёйини синаш учун стенд
19. Қишлоқ хўжалик машиналарини кабиналарини параметрлари ва кўрувчанлик кўрсаткичларини аниқлаш мосламалари комплекти билан, оператор ўриндигини назорат нуқтаси жойлашувини аниқлаш учун қурилма

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 10-сон карорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини  
сертификатлаш ва синаш давлат маркази фаолиятини такомиллаштириш  
тўғрисида» 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар  
ва қўшимча**

**1. 1-иловада:**

а) 6-банднинг еттинчи хатбошидаги «норматив-техник» хужжатларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида сертификатлаш синовларини» сўzlари «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида сертификатлаш ишлари ва синовларини» сўzlари билан алмаштирилсин;

**б) 8-бандда:**

иккинчи хатбошидаги «миллий ва халқаро» сўzlари «халқаро ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги» сўzlари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «стандартларга ва норматив-техник» сўzlари «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив» сўzlари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «стандартлар ва норматив-техник» сўzlари «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив» сўzlари билан алмаштирилсин;

**2. 2-иловада:**

а) 1-банднинг биринчи хатбошидаги «норматив-техник» сўzlари «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Низом» сўзи «Мазкур Низом ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинадиган якка қишлоқ хўжалик ва мелиорация техникаларидан ташқари,» сўzlари билан алмаштирилсин;

**в) 5-бандда:**

бешинчи хатбошидаги «норматив-техник» сўzlари «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив» сўzlари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «буюортмачини қизиқтирадиган буюмнинг тавсифини аниқлаш» сўzlари «серияли намуналар конструкцияси ёки технологик жараёнга киритилган ўзгартиришларни самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш» сўzlари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «стандартларга» сўзи «техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив хужжатларга» сўzlари билан алмаштирилсин;

**г) 12-банд** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Синов 2 ва 3-иловаларга биноан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларнинг белгиланган талабларига қатъий мувофиқ равишда ўтказилади.

Синов икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқич — қишлоқ хўжалик техникаларини функционал ва фойдаланиш-технологик кўрсаткичларини Марказда аниқлаш;

иккинчи босқич — хўжалик шароитлари фойдаланишда пухталик кўрсаткичларини аниқлашдан иборат»;

д) 13-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Марказ ўрнатилган тартибда синовдан ижобий ўтган қишлоқ хўжалик ва мелиорация техникаларини Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўллаш учун қишлоқ хўжалик ва мелиоратив техникалар реестрини юритади»;

е) 18-банднинг учинчи хатбошидаги «миллий ва халқаро» сўзлари «халқаро ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази томонидан синовларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 2-иловасининг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасини синовдан ўтказиш (давлат синови, дастлабки синов, қабул қилиш синови, даврий синов, малака синови, турга оид синов, тақрорий синов)**

## **МЕХАНИЗМИ**

Боскич

Тадбиrlар

Масъуллар

Муддатлар

1-боскич	Махсулотни синовдан ўтказиш учун буюртмачи билан шартнома (контракт) тузиш ва имзолаш	Синов буюртмачиси ва Марказ	Буюртмачи мурожаат этга кундан бошлаб 2 кун мобайнида
	Махсулот намунасини синаш учун қабул қилиш	Синов буюртмачиси ва Марказ	3 кун мобайнида
	Махсулотни бирламчи техник экспертизадан ўтказиш	Марказ	5 кун мобайнида
	Махсулотни пишитиш ва лаборатория-стенд синовларини ўтказиш	Марказ	10 кун мобайнида
	Далада агрофон танлаш, дала шароитларида агрозоотехник ва фойдаланиш-технологик кўрсаткичларни аниклаш	Буюртмачи вакили иштирокида Марказ	10 кун мобайнида
2-боскич	Пухталикни ва меҳнат шароитларини аниклаш мақсадида махсулотлардан хўжалик шароитларида фойдаланиш	Марказ	Тракторлар учун 1000 соат ўзиорар машиналар ва қолган машиналар учун бир агротехника мавсуми давомида
	Заруратга караб махсулотнинг пухталигини аниклаш мақсадида Марказда юклаш стендларида жадаллаштирилган синовлар ўтказиш	Марказ	Тракторлар учун 500 соат, ўзиорар машиналар ва қолган машиналар учун 200 соат
	Махсулотни узел ва деталларга бўлаклаб якуний техник экспертиза ўтказиш	Марказ	5 кун мобайнида
	Синов натижаларини пухта ишлаш ва тавсиялар берган холда синов баённомасини расмийлаштириш	Марказ	3 кун мобайнида

»

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази томонидан синовларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг [4-иловаси](#) чиқариб ташлансин.

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 09/19/10/2441-сон)*